Лойиҳа нима ва ким учун

Suv kerak — ичимлик суви етказиб бериш билан шуғулланувчи бизнеслар учун мўлжалланган бошқарув тизими.

Мақсад:
буюртмаларни қабул қилиш → курерга бириктириш → етказиб бериш жараёнини назорат қилиш → ҳисоб-китоб ва касса ҳисобини юритиш.

Ушбу қўлланманинг асосий мақсади — тизим интерфейси орқали бажариладиган амалларни оддий, тушунарли ва аниқ шаклда тушунтиришдан иборат. Барча бўлимларда фақат амалиётда керак бўладиган маълумотлар келтирилади.

Suv kerak лойиҳаси структураси ҳақида

Қўлланма роллар бўйича тузилган илова мавжуд бўлиб, ҳар бир фойдаланувчи ўз ролидан келиб чиқиб фақат ўзига тегишли иловалар орқали ишлайди.

Босс иловаси — сув етказиб бериш бизнес эгаси (ёки раҳбари) учун мўлжалланган бошқарув иловаси.

Ушбу иловада:

- менежер ва курерлар фаолиятини назорат қилиш;
- уларни тайинлаш ёки бўшатиш;
- иш кунларини белгилаш;
- тизим ҳисоби ва касса ҳисобини юритиш
  каби функциялар мавжуд.

Босс менежер орқали ёки тўғридан-тўғри (менежерсиз) курерлар билан ишлаши мумкин. Агар бизнес ҳажми кичик бўлса, босснинг ўзи ҳам курер сифатида фаолият юритиши мумкин.

Босс иловасидан фойдаланиш тартиби қуйида батафсил тушунтирилади.

Менежер иловаси

Менежер иловаси — босс томонидан тайинланган фойдаланувчи учун мўлжалланган.

Менежер:

- муайян бизнес нуқтасига бириктирилади;
- шу нуқтанинг касса ҳисобини;
- курерлар билан сув ва бўш таралар ҳисобини;
- босс билан ўзаро ҳисоб-китобларни
  юритади.

Агар бизнесда бир нечта нуқталар мавжуд бўлса, ушбу тизим ҳар бир нуқта ҳисобининг алоҳида юритилишини таъминлайди ва ҳисоб-китобларда чалкашликнинг олдини олади.

Менежер курер тайинлаши ёки бўшатиши мумкин. Шунингдек, менежер иловаси орқали ўзи ҳам курерлик фаолиятини амалга ошириши мумкин.

Курер иловаси

Курер иловаси — босс ёки менежер томонидан тайинланган фойдаланувчи учун мўлжалланган.


Ушбу иловада:

- курерга бириктирилган буюртмалар;
- етказилган ва етказилмаган буюртмалар ҳисоби;
- касса ҳисоби;
- сув ва таралар ҳисоби
  юритилади.


Курер иловасидан фойдаланиш тартиби қуйида батафсил баён қилинади.

Босс иловаси

Рўйхатдан ўтиш:




Тил танлаш:
Ушбу саҳифада ўзингизга қулай бўлган тилни танланг.



Кириш ёки рўйхатдан ўтиш:
Агар сиз аввал рўйхатдан ўтган бўлсангиз ва ID ҳамда паролингиз мавжуд бўлса, тегишли майдонларни тўлдириб **“Кириш”** тугмасини босинг.

Агар ҳали рўйхатдан ўтмаган бўлсангиз, **“Рўйхатдан ўтиш”** тугмасини босиб, кейинги саҳифага ўтинг.



Маълумотларни киритиш:

Бу саҳифада бизнес эгаси ўз маълумотларини киритади.

Бизнес номингизни киритинг қисмида сиз бизнесингизга берилган

номни ёки бренд номингизни киритишингиз мумкин.

Масалан: “Зилол сув”, “Оби зам-зам” ёки давлат рўйхатдан ўтган номни киритишингиз мумкин.

Вилоятни танланг қисмида фаолият юритаётган вилоятни танланг.

Шаҳар ёки туман қисмида фаолият юритаётган яшаш ҳудудингиз шаҳар ёки ҳудудни танланг.


Телефон рақами қисмида телефон рақамингизни киритинг.

Промокод қисмида агент промокоди (ихтиёрий) киритилади.


Маълумотлар тўлдирилиб “Давом этиш” тугмаси босилади.

ID ва паролни олиш:

«Давом этиш» тугмаси босилганда «@suv_kerak_bot» боти сизга қуйидаги кўринишда хабар юборади:



Хабарда тизимга кириш учун ID ва парол берилади. Ушбу ID ва парол устига бир босишда нусха олиб тизимга кириш саҳифасига ўтиб тегишли хоналарга ID ва паролни киритинг ва “Кириш” тугмасини босиб тизимга киринг.



Асосий меню



Асосий менюнинг юқори қисмида шахсий ҳисоб маълумотлар бўлиб:

Тизимдаги ҳисоб - бу сизнинг бизнесингиз тизимдаги ҳисоб қолдиғини миқдорини кўрсатади.


Касса қолдиғи – бу сизнинг бизнес касса қолдиғи миқдорини билдиради.

Бажарилмаган – сариқ рандаги кўрсаткич бугун бажарилмаган (ҳали бажарилиши керак бўлган) буюртмалар сонини англатади. Яъни буюртмалар бор, лекин бажарилмаган буюртмалар сони.

Бугун бажарилган – яшил рангдаги кўрсаткич бугун бажарилган буюртмалар сонини англатади.

Иш куни - тўғрисидаги ёпиқ ва очиқ кўрсаткичлар бу асосий параметр бўлиб, сизнинг сув етказиш бизнесингиз иш куни фаолиятини ёпиқ ёки очиқ, яъни айни кунда иш куни фаолияти ишлаш ёки ишламасликларизни билдиради.

!!! *Эътибор беринг, агар шу параметрни ёпиқ қолдирсангиз, сиз тизимда кўринмайсиз ва мижозлардан буюртма қабул қила олмайсиз. Тизим шунчаки сизни шу куни фаолиятида эмас деб тушунади. Бу параметрни профилактика ёки дам олиш кунлари ёпиқ қолдиришингиз мумкин. Қолган иш кунлари бу параметр очиқ бўлиши шарт!!!*



Буюртмалар

Буюртмалар бўлимида сиз буюртмалар бажарилмаган буюртмалар, бугун бажарилган буюртмалар, буюртма яратиш, бажарилган буюртмалар даврий ҳисоботлари ва курерларга берилган сувлар даврий ҳисоботи маълумотларини олишингиз мумкин.




Бажарилмаган буюртмалар:

Бажарилмаган буюртмалар ёзуви устига босилганда бажарилмаган буюртмалар сони миқдори ва жами етказиб берилиши керак бўлган сувлар сони миқдори кўринади.

Буюртмаларни харитада кўриш:




“Буюртмаларни харитада кўриш” ёзуви устига босилганда интерфейсда харита очилади ва харитада сизнинг бажаришингиз керак бўлган буюртмалар иконкасида кўринади ва устки қисмида буюртма рақами кўринади. **Бу иконка устига босилса харитани юқори қисмида сувни етказиб бериш манзили, оралиқ масофа ва етказиб бериш сув сони кўрсатилади.** Бу функция асосан курерлар функциясига хос бўлиб, бизнес ҳажми катта бўлмаган сув етказувчилар ўзлари курерлик қилиш режаси бўлганлар учун қулай бўлиб, шу иловани ўзида сув тарқатиш (курерлик хизмати)ни курер тайинламай амалга оширишлари мумкин.




Буюртмани бажариш учун қабул қилиш:

Курер энг яқин буюртма иконкаси устига босади ва масофа етказиб бериш сув сони ва манзилини куради.


Бу билан ҳали буюртмани қабул қилмаган бўлади. “Кетдик” тугмаси устига босилганда буюртма қабул қилинган ҳисобланади, ушбу буюртма харитада бошқа курерларга кўринмайди. Шу онда мижозга буюртма курер томонидан қабул қилингани ва курер йўналиш харакати онлайн транслокацияси кўрина бошлайди. Буюртма жараёни бажарилмагунча ушбу Курер янги буюртма ололмайди ва буюртма “йўлда” статусида курерга беркитилган ҳисобланади.






Манзилга келиш

Манзилга келганда ушбу расмдаги интерфейси автоматик намоён бўлади. Агар автоматик ушбу интерфейс чиқамаса, ушбу расмдаги “Манзилга келдим” кнопкасини босинг!



Сувни тушириш нуқтасини топиш:


Расмдаги сувни тушириш нуқтасини аниқ топиш учун изоҳда келган аниқ кўрсатма орқали топиш мумкин. Агар шунда ҳам топиш имкони бўлмаса, унда “Манзилни топмадим, мижозга қўнғироқ қиламан” тугмаси босилади ва мижозга телефон рақамига автоматик сим қоқилади.



Буюртма тўловларини қабул қилиб олиш:

«Манзилни топдим» тугмаси босилганда тизим курердан «Буюртмани бажардингизми?» сўрови юборади. Бунда курер сувни топширгани ёки йўқлиги назарда тутилади. Сув топширилган бўлса “Ҳа” тугмаси босилади ва интерфейсда тўлов маълумотлар чиқади.


Агар тўлов онлайн карта орқали тўланган бўлса “Жами:” тўлов суммаси “0” ноль сўмда чиқади. Агар курер нақд тўлашда буюртма берган бўлса “Жами:” тўловда тўлов суммаси чиқади. Курер кўрсатилган суммани мижоздан қабул қилиб олади ва “Тўловни қабул қилдим” тугмасини босади. Буюртма етказиш жараёни шу билан тугайди. Курер харитадан кейинги буюртмани бажариш учун қабул қилиши мумкин. +





Бугун бажарилган буюртмалар:

“Бугун бажарилган буюртмалар” ёзуви устига босилганда, бугун бажарилган буюртмалар сони ва етказиб берилган сувлар сони миқдори кўрсатилади.




Давоми(пастидан) шу буюртмалар батафсил маълумотлари кўрсатилади.



Буюртма яратиш:

Тизимда буюртма автоматик “@suv_kerak_bot” бот орқали ёки Suv kerak мижоз иловаси орқали олинади. Лекин одатда буюртмани телефонда ёки махсус телеграм гуруҳларда ҳам буюртмалар қабул қилиниши мумкин. Мана шундай ҳолатлар учун махсус “Буюртма яратиш” тугмаси бўлиб, бу орқали босс ёки менежер қўлда буюртма яратиши мумкин. Бунинг учун “Буюртма яратиш” тугмасига босилади ва ушбу интерфейсдаги сўралган қуйидаги маълумотларни киритади:




Буюртмачи ID рақами - бу ерда буюртмачининг телеграм id рақами киритилади. Телеграм id рақамини агар буюртма телеграм гуруҳда ёзилса телеграм гуруҳда “@geo_codebot” боти қўшилиши керак, бу бот телеграм гуруҳда локация ташлаган ҳар қандай фойдаланувчини телеграм id рақами ва локация координаталарини рақамда ёзиб қайтаради. Агар буюртма телефонда олинса бу ерда шунчаки рақамлар ёзиш мумкин.

Буюртмачи ID рақами – бу ерда буюртмачининг телефон рақами киритилади. Бу курер манзилни аниқлаш керак бўлганда алоқага чиқиши учун керак бўлиши мумкин.

Сув сони – бу ерда буюртманинг етказиб бериш керак бўлган сув сони киритилади.


Локация координаталари – бу ерда “@geo_codebot” боти қайтарган координата қийматлари қўйилади. Бу координата қийматларидан тизим автоматик манзилни аниқлайди ва буюртма манзилига ўзи қўяди. Локация координаталари қўйилмаса албатта кейинги маълумот “Изоҳ” қўйилиши керак!

Изоҳ – бу ерда манзилни аниқлаш ва буюртмани етказиш учун керакли маълумотлар матн шаклида қўйилади. Масалан манзил, уни топишда мўлжал, белгилар, огоҳлантиришлар ёки бошқа буюртма учун зарур ҳар қандай маълумотлар матн шаклида ёзилади.
Ушбу маълумотлар тўлиқ киритилгандан кейин **“Буюртмани расмийлаштириш”** тугмасини босиш орқали буюртма тизимга киритилади ва бу буюртма ижро учун курер иловасига кўринади.




Бажарилган буюртмалар даврий ҳисоботлари:

“ Бажарилган буюртмалар даврий ҳисоботлари”да киритилган бошланиш ва тугаш саналари даврлари оралиғидаги бажарилган буюртмалар маълумотларини батафсил кўриш мумкин.




Курерларга берилган сувлар даврий ҳисоботи:

“Курерларга берилган сувлар даврий ҳисоботлари”да киритилган бошланиш ва тугаш саналари даврлари оралиғидаги курерларга берилган сувлар ҳисобини батафсил маълумотларини кўриш мумкин.




Сувлар ва таралар ҳисоби


Бу бўлимда сувлар ва тараларни курер ва менежерларга кирим ва чиқим қилиш ва уларни ҳисобини кўриш мумкин. Бу бўлимга кирганда қуйидаги интерфейсни кўришиз мумкин.




Сув тўла баклар ҳисоби интерфейси



Таралар ҳисоби интерфейси




Сув тўла баклар кирим қилиш:




Бу бўлимда босс ёки менежер сув заправка қилган тақдирда, заправка қилган сувлар сонини чиқим қилиш учун ўз ҳисобига кирим қилинади. Эътибор беринг сув қолдиғида сувлар сони нолга тенг бўлиб қолган бўлса курерларга сув чиқим қилиб бўлмайди, шунинг учун заправкадан кейин албатта бу амални бажариш керак. Сув сони киритилади ва “Кирим қилиш” тугмаси босилади.

Курерга сув чиқим қилиш




Бу бўлимда курерга сув чиқим қиланади. Сув сони киритилади, пастки “Қабул қилувчини танланг” танловидан курер номини танланади ва «Чиқим қилиш” тугмаси босилади. Чиқимдан кейин курер чиқим ҳақида хабардор қилинади, дастур интерфейсида чиқим маълумотлари ва салдолар батафсил берилади.

Курердан қайтган сувни кирим қилиш




Бу бўлимда иш куни якунида курердан қайтган сувни қайта кирим қилиш мумкин. Сув сони киритилади, танловдан курер номи танланади, “Кирим қилиш” тугмаси босилади. Натижада дастур интерфейсида кирим маълумоти ва дастлабки ва якуний қолдиқлар



батафсил берилади ва курерга ҳам бот орқали хабар берилади.


Сув тўла баклар даврий ҳисоби

Бу бўлимда бошланиш ва тугаш даври оралиғидаги сувлар кирим чиқими ҳисоби ва дастлабки ва якуний қолдиқлар ҳақида батафсил маълумот олиш мумкин.




Тараларни кирим қилиш

Бу бўлимда босс ўз бизнесига сув айланмаси учун янги таралар сотиб олганда тараларни кирим қилиши мумкин. Бунинг учун таралар сони ёзилади ва “Кирим қилиш” тугмаси босилади. Киримдан кейин кирим сони ва тара қолдиқлари маълумоти батафсил дастур интерфейсига чиқади.




Менежерга таралар чиқим қилиш

Бу бўлимда босс менежерга сув айланмаси учун таралар чиқим қилиши мумкин. Эътибор беринг босс ва менежер омбори ҳисоби алоҳида бўлиб, бу бир нечта бизнес нуқтаси бор бизнес эгаси (босс) ҳисобида ҳисоблар аниқлигини олиш учун қилинган. Сувлар сони киритилади, танловдан қабул қилувчи танланади ва “Чиқим қилиш” тугмаси босилади.Чиқимдан сўнг тара қолдиғи ва чиқим маълумотлари дастур интерфейсида батафсил чиқади.



Қайтган тараларни кирим қилиш


Бу бўлимда босс менежер ёки курердан қайтган тараларни кирим қилиб олиши мумкин. Таралар сони киритилади, танловдан курер танланади ва “Кирим қилиш” тугмаси босилади. Киримдан кейин дастур интерфейсида қолдиқ ва кирим маълумотлари батафсил чиқади ва шу маълумотлар курерга бот орқали хабарда юборилади.





Таралар даврий ҳисоботи

Бу бўлимда бошланиш ва тугаш даври оралиғидаги таралар кирим чиқими ҳисоби ва дастлабки ва якуний қолдиқлар ҳақида батафсил маълумот олиш мумкин.

Касса ҳисоби









Даврий касса ҳисоботи

Бу бўлимда бошланиш ва тугаш даври оралиғидаги касса кирим чиқими ҳисоби ва дастлабки ва якуний қолдиқлар ҳақида батафсил маълумот олиш мумкин.




Касса кирим ордери

Бу бўлимда курерлардан савдо пуллари ёки менежердан тушум пулларини қабул қилиш мумкин. Сумма киритилади, танловдан курер ёки менежер танланади, “Кирим қилиш” тугмаси босилади. Киримдан кейин касса қолдиғи ва кирим маълумотлари дастур юзига чиқади ва топширувчига ҳам бот орқали шу курер касса дастлабки ва якуний қолдиқлари ва кирим маълумотлари батафсил юборилади.



Касса чиқим ордери

Бу бўлим касса чиқим ордерини яратиш бўлиб, кассадан бўлган ҳар қандай чиқимлар расмийлаштирилади. Сумма жойига чиқим суммаси киритилади, пастида чиқим сабаби ёзилади ва “Чиқим қилиш” тугмаси босилади. Натижада касса қолдиғи ва чиқим маълумотлари дастур интерфейсида кўрсатилади.





“Курерлик хизмати учун тўлов” (Касса чиқими)

Бу бўлим касса чиқими яъни куреpга сув етказиш (курерлик) хизмати учун тўлов бўлиб, курер ёки курерлик қилган менежерга курерлик хизмати учун тўловни амалга ошириш мумкин. Сумма жойига чиқим суммаси киритилади, пастида қабул қилувчи курер ёки менежер танланади ва “Чиқим қилиш” тугмаси босилади. Натижада тўлов амалга ошганлиги хабари қайтади.


Сув нархларини белгилаш







Умумий нарх белгилаш



Бу бўлимда сувлар нархи белгиланади. Сув нархларни белгилашда ягона битта нарх белгилаш мумкин, бунда хар бир мижозга қанча сув сотилишидан қатъий назар сув нархи белгиланган нархда сотилади. Агар шу тарзда умумий нарх белгиламоқчи бўлсангиз “Диапазон бўйича нарх” бўлимида “Бошланиш” қисмида “1” рақамини қуясиз, “Тугаш” қисмида “∞” (чексиз) рақамини қўясиз, “Нарх” қисмида белгиланган сув нархи қуйилади. “Сақлаш” тугмаси босилса нархлар сақланади.

Диапазонли нарх белгилаш



Сув нархини белгилашда иккинчи усул диапазонлар бўйича қўймоқчи бўлсангиз, унда аввалambор бу диапазонларни “Ҳисоблаш даври” қисмида “Бир ойда” ёки “Бир йилда” созламасини ўрнатиш керак. Бу айни бир нархлар диапазони бир ойда ёки бир йилда амал қилишини англатади.



Масалан сиз бир ойда созладиз ва нархни қуйидагича белгиладиз.


Бу қуйдагича нарх диапазонини англатади:

Бир ойда сотилган сув сонига қараб сувлар нархи қуйдаги тартибда ўзгаради:

1 донадан то 50 тагача = 12 000 сўмдан,


51 донадан юқориси = 11 000 сўмдан.

Диапазонли нарх белгилаш сув етказишда акциялар яратишда қулай. Худди шундай даврий диапазонни бир йилга созлаб диапазонли нарх белгилаш мумкин.




Таралар созламаси

Бу бўлимда бизнес эгаси (босс) тараларни сотиш ёки сотмасликни белгилайди. Агар “Тара сотиладими” қисмида “Йўқ” белгиланса унда мижозлар боти ва иловасида сув сотилганда мижозга “тарани қайтарсизми ёки сотиб оласиз” саволи берилмайди. Агар Агар “Тара сотиладими” қисмида “Йўқ” белгиланса унда мижоз боти ва иловасида мижоз “тарани қайтармайман сотиб оламан” ни белгилаганда сиз тара созламасидаги белгилаган тара нархи билан тара тўлов суммасини ҳисоблайди. Шунинг учун “Тара сотиладими?” созламасида “Ҳа” ни белгиласангиз албатта пастидаги “Тара нархини белгилаш” қисмида тара нархини белгиланг.



Курерлар

Бу бўлимда курерларни тизимга қўшиш, тизимдан ўчириш, сув етказиб бериш хизмати бўйича ҳисоб - китоб, курер касса даврий ҳисоботи, курер даврий реализация ҳисоботи ва курерга сув чиқариш амалларини бажариш мумкин. Бу бўлимга кирганда аввало курерлар рўйхати интерфейси чиқади.



Курер қўшиш

Босс ёки менежер ўз тизимида курер қўшиш учун **“+Курер қўшиш”** тугмасини босади, ва “Курерни қўшиш йўриқномаси”ни ўқиб чиқиб “Жўнатиш” тугмасини босиб, генерация қилинган ҳаволани курер телеграмига ёки смс орқали телефон рақамига жўнатиш керак бўлади.

“Курерлик хизмат ҳаққини (оммавий) белгилаш”

Курерларга сув етказиш хизмати учун ҳақ белгилашда оммавий, ҳамма курерга татбиқ этиладиган нарх қўйиш мумкин ёки алохида курер учун индивидуал нарх қўйиш мумкин. Оммавий нарх курерлар рўйхатига киргандан кейин “Курерлик хизмат ҳаққини оммавий белгилаш” тугмаси босилади. Бу ерда ҳам сув нархини белгилаган каби умумий битта нарх

ёки акция тарзида диапазон шаклида қўйиш мумкин. Масалан умумий битта нарх қўйишда қўйдагича нарх белгилаш мумкин:


Бу ерда етказилган сув сони 0 дан бошлаб чексизгача умумий битта нархда курерлик хизмати учун ҳақ ҳисоблайди.





“Курерлик хизмат ҳаққини (индивидуал) белгилаш”

Маълум бир курер номи устига босилиб курер карточкасига киргандан кейин “Курерлик хизмат ҳаққини (индивидуал) белгилаш” тугмаси устига босилади. Натижада қуйидаги интерфейс намоён бўлади. Бунда сувлар нархини белгилаш каби айни бир курер хизмати нархи белгилаш мумкин. Мисол учун қуйидаги интерфейсда “Эльдор Каримов” исмли курер хизмати учун 1 дона сув етказиб бериш учун ягона нарх 3000 сўм қилиб белгиланган. Бу нархни диапазон шаклида етказиб бериладиган сувлар сонига қараб нархни ўсиб борувчи қилиш мумкин. Бунда сув етказиб бериш сонини даврийлиги “Бир ойда” ёки “Бир йилда” қилиб белгилашга эътиборли бўлиш керак. Мисол учун кейинги расмда қуйидагича нарх белгиланган:




Бир ойда курер:
0 дан 2500 тагача сув етказиб берса 2000 сўмдан,
2501 тадан 3000 тагача сув етказса 3000 сўмдан,
3001 тадан юқорисига 4000 сўмдан.


Бу нархлар мисол учун бўлиб, нархларни диапазонини кўпайтириш нархларни ошириш ёки тушириш орқали акциялар эълон қилиш мумкин.

Курерга сув чиқим қилиш

Курерга сув чиқариш ушбу тугма орқали амалга оширилади. “Миқдорни киритинг” жойига курерга чиқим қилиниши керак бўлган сув сони ёзилади ва “Курерга сув чиқим қилиш” тугмаси босилади. Тасдиқлов ойнасида “Ҳа” тугмаси босилади. Натижада чиқим маълумоти хабари қайтади. Унда сув чиқим сони ва чиқимдан кейинги якуний қолдиқлар акс этган.









Курер “Касса даврий ҳисоботи”

Бу бўлимда аниқ бир давр оралиғида курер касса кирим чиқим харакатлари ва қолдиқларини кўриш мумкин. Бошланиш ва тугаш саналари танланади ва “Кўрсатиш” тугмаси босилади. Натижада ҳисобот натижалари қайтади.




Курер сув тўла баклар ҳисоботи

Бу бўлимда аниқ бир давр оралиғида курер сув кирим чиқим харакатлари ва қолдиқларини кўриш мумкин. Бошланиш ва тугаш саналари танланади ва “Кўрсатиш” тугмаси босилади. Натижада сув тўла баклар ҳаракати ҳисоботи натижалари қайтади.



Курер таралар ҳисоботи

Бу бўлимда аниқ бир давр оралиғида курер тара кирим чиқим харакатлари ва қолдиқларини кўриш мумкин. Бошланиш ва тугаш саналари танланади ва “Кўрсатиш” тугмаси босилади. Натижада таралар ҳаракати ҳисоботи натижалари қайтади.



Курер билан сув етказиш хизмати бўйича ҳисоб-китоб


Бу бўлимда аниқ бир давр оралиғида курер билан сув етказиш (курерлик) хизмати бўйича ҳисоб китоблари ва қолдиқларини батафсил кўриш мумкин. Бошланиш ва тугаш саналари танланади ва “Кўрсатиш” тугмаси босилади. Натижада ўзаро ҳисоб-китоб натижалари қайтади.




Курерни ишдан бўшатиш

Курерни ишдан бўшатишда асосий эътибор бериладиган ҳолат бу курер билан барча ҳисоб-китобларни ёпиш, касса, курерлик хизмати бўйича ҳисоб-китоб, сув ва таралар бўйича салдоларни ноллаштириш керак. Чунки “Курерни ишдан бўшатиш” тугмаси босилгандан кейин бу курер маълумотлари базадан ўчади ва уни тиклаш имкони бўлмайди. Керакли курерни танланади, “Курерни ишдан бўшатиш” тугмаси босилади. Огоҳлантириш хабарини ўқиб “Бўшатиш” тугмаси босилганда курер бўшатилади.

Тизим ҳисоби




Бу бўлимда босс тизим билан ўзаро ҳисоб-китоб маълумотларини кўриши мумкин. Тизим ҳисобини тўлдириш (тўлов) тарихлари ва тизимдан маблағ ечими даврий ҳисоботини кўриши мумкин. Расмда кўрсатилганидек “Тўлов тарихи” ва “Маблағ ечими” тугмалари стига босилса бир-бирини алмаштиради. Керакли ҳисоботтурини танлаб бошланиш ва тугаш саналарини танлаб “Кўрсатиш” тугмаси босилади. Натижада маълум давр оралиғидаги ҳисобот маълумотлари қайтади.






Ҳисобни тўлдириш

Ҳисобни тўлдириш тугмасини босганда тизимдаги ҳисобни онлайн карта орқали тулдириш чахифаси очилади.



Керакли тўлов провайдерини танланг ва тўлов иловаси орқали тўловни амалга оширишингиз мумкин.



Менежерлар

Менежерлар бу хар бир бизнес нуқтани иш бошқарувчиси бўлиб, бу бўлимда менежерни қўшиш, ишдан бўшатиш, касса, сув,тара ва курерлик хизмати ҳисоблари билан танишиш, бошқариш мумкин.


+Менежерни қўшиш


Менежерни қўшиш учун “+Менежерни қўшиш” тугмаси босилади, генерация қилинган ҳаволадан нусха олиниб қабул қилиниши керак бўлган менежерга SMS ёки телеграм орқали юборилади. Бу ҳавола бўйича бўлажак менежер тизим ботига ўтади.Тизим ID рақами, парол олади ва шу маълумотлар орқали тизимга киради.


Менежерлар саҳифаси


Асосий менюдаги менежерлар саҳифасига кирганда менежерлар рўйхати чиқади. Шу рўйхатдан керакли менежер карточкасига босилса, шу менежер ҳисоботлари ва бошқарувига ўтилади.

Менежер маълумотлари (карточкаси)









Менежер курерлик хизмат ҳаққини (индивидуал) белгилаш

Менежерлар ҳам курерлик хизматини амалга оширишлари мумкин агар бунга имконият ва вақт ажратилса. Ва бу бўлимда менежерларга курерлик хизмати учун алоҳида (индивидуал) нарх белгилаш мумкин. Бунинг учун “Менежер курерлик хизмат ҳаққини (индивидуал) белгилаш” тугмаси босилади ва нархлар ягона нарх ёки диапазон шаклида белгиланиши мумкин. Қуйидаги расмда нархлар диапазонли шаклда белгиланган:

Бир ойда:
0 дан 1000 тагача сув етказиб берса 2000 сўмдан,

1001 тадан 3000 тагача сув етказса 2000 сўмдан,

3001 тадан юқорисига 4000 сўмдан.

Бу нархлар мисол учун бўлиб, нархларни диапазонини кўпайтириш нархларни ошириш ёки тушириш орқали акциялар эълон қилиш мумкин.

Менежерни ишдан бўшатиш




Менежерни ишдан бўшатишда асосий эътибор бериладиган ҳолат бу менежер билан барса ҳисоб-китобларни ёпиш, касса, курерлик хизмати



бўйича ҳисоб-китоб, сув ва таралар бўйича салдоларни ноллаштириш керак. Чунки “Менежерни ишдан бўшатиш” тугмаси босилгандан кейин бу менежер маълумотлари базадан ўчади ва уни тиклаш имкони бўлмайди. Керакли менежер танланади, “Менежерни ишдан бўшатиш” тугмаси босилади. Огоҳлантириш хабарини ўқиб “Бўшатиш” тугмаси босилганда курер бўшатилади.

Менежер даврий касса ҳисоботи




Бу бўлимда аниқ бир давр оралиғида менежер касса кирим чиқим харакатлари ва қолдиқларини кўриш мумкин. Бошланиш ва тугаш саналари танланади ва “Кўрсатиш” тугмаси босилади. Натижада ҳисобот натижалари қайтади.

Менежер сув тўла баклар ҳисоботи




Бу бўлимда аниқ бир давр оралиғида менежер сув кирим чиқим харакатлари ва қолдиқларини кўриш мумкин. Бошланиш ва тугаш саналари танланади ва “Кўрсатиш” тугмаси босилади. Натижада сув тўла баклар ҳаракати ҳисоботи натижалари қайтади.

Менежер таралар ҳисоботи




Бу бўлимда аниқ бир давр оралиғида менежер тара кирим чиқим харакатлари ва қолдиқларини кўриш мумкин. Бошланиш ва тугаш саналари танланади ва “Кўрсатиш” тугмаси босилади. Натижада таралар ҳаракати ҳисоботи натижалари қайтади.


Менежер билан сув етказиш бўйича ҳисоб-китоб



Бу бўлимда аниқ бир давр оралиғида менежер билан сув етказиш (курерлик) хизмати бўйича ҳисоб китоблари ва қолдиқларини батафсил кўриш мумкин. Бошланиш ва тугаш саналари танланади ва “Кўрсатиш” тугмаси босилади. Натижада ўзаро ҳисоб-китоб натижалари қайтади.


Тизим созламалари





Телеграм токени


Агар ўз бизнесингизни махсус телеграм бот ва брендини юргизмоқчи бўлсангиз, телеграмда @BotFather бот очиб, берилган бот токенини шу ерда сақлаш керак бўлади. Натижада бу бот фақат сизга буюртмаларни расмийлаштиради. Телеграмда @BotFather дан бот очиш ва токен олишни You Tube ижтимоий тармоқдан ёки сайтимизда видео қўлланмасини топишингиз мумкин.



Телеграм токенини сақлаш


Телеграмда @BotFatherдан олинган бот токенини сақлаш учун “Таҳрирлаш” тугмаси босилади. “Бот токен” ёзуви жойига олинган бот токени ёзилади ва “Сақлаш” тугмаси босилади. Ва бу токен фақат айни сизни бизнесиз учун буюртма қабул қилишни бошлайди.


Ишчи телеграм гуруҳи




Ишчи телеграм гуруҳи – бу бизнесни телеграмдаги буюртма қабул қилувчи гуруҳи бўлиб, бу ерда “Suv kerak” боти қўшилса бот автоматик буюртмаларни айнан шу бизнес курерлари иловасида кўринадиган

қилиб қабул қилади. Бу учун “Янги ишчи гуруҳи қўшиш” тугмаси босилади.






Ишчи гуруҳни ҳаволаси орқали ёки гуруҳ ID рақами орқали қўшиш мумкин. Иккала ҳолатда ҳам гуруҳ қўшилади ва бизнес учун буюртма қабул қила олади.




Телеграм ишчи гуруҳини ботга улаш учун /botreg командасини ишчи гуруҳга кириб жўнатиш керак бўлади. Ушбу расмда бу ҳақда тўлиқ ёзма қўлланма берилган.

Бизнес логотипни юклаш




Мижозлар иловасида буюртма беришда бизнеслар руйхатида айнган сизнинг бизнесингиз логотипда куриниши учун ўз логотипингизни шу ерда юклаб сақланг. Бу учун логотип расми 54x54 ёки 64x64 ўлчамда ва .png ёки .jpg форматда бўлиши керак.




Фаолият кўрсатиш ҳудудини ўзгартириш

Фаолият кўрсатиш ҳудуди бу бизнесни географий чегараланиш худуди бўлиб, танланган айни вилоят ва ҳудуд (туман/шахар) доирасида буюртма қабул қилинади. Шунинг учун фаолият ҳудудини танлаш катта аҳамиятга эга. Танлаш учун аввал вилоят танланади кейин шу вилоятга тегишли шаҳар ёки туман танланади, “Янгилаш” тугмаси босилади ва янги ҳудуд сақланади.




PayMe ва Click тўлов ташкилотлари тизими билан интеграция қилиш




PayMe ва Click тўлов ташкилотлари тизими билан интеграция қилиш учун ушбу тўлов ташкилотлари билан шартнома тузилган бўлиши ва мерчант кабинет логин парол олинган булиши керак. Ушбу кабинетда техник интеграция қилиш учун махфий токен ва калитлар мавжуд. Ана шу махфий токенлар ва калитлар номи расмда кўрсатилган каби бўлиб, тегишли тўлов ташкилоти жойларига уларни сақлаш керак. Шундай мижозлар етказилган сув тўловларини онлайн карта орқали тўлай олади.

Илова созламалари




Бу бўлимда илова тилини алмаштириш мумкин, илова интерфейс кўринишини қоронғу (dark) ёки ёруғ (light) режимига ўтказиш мумкин. Шунингдек иловага кириш усулларини PIN код орқали ёки биометрик маълумот орқали киришга созлаш мумкин.

Хавфсизлик




Бу бўлимда иловага кириш паролини ўзгартириш мумкин. Бунинг учун ҳозирги мавжуд парол терилади, пастки қаторларда янги парол икки марта терилади. “Янгилаш” тугмаси босилганда “Парол муваффақиятли янгиланди” тасдиқлов хабари келиши керак.

Онлайн тўловлар рўйхати



Онлайн туловлар рўйхати сахифасида агар бизнес тулов ташкилотлари билан етказилган сув тўловини тўлаш учун интеграция қилинган бўлса ва тўлов амалга оширилган бўлса, шу тўловларни даврий саналар оралиғида кўриш мумкин. Бу учун бошланиш ва тугаш саналари танланади ва “Кўрсатиш” тугмаси босилади. Натижада тўловлар мавжуд бўлса онлайн тўловлар рўйхати қайтади.

Тизим ҳақида




Бу саҳифада тизим ҳақида маълумотлар бўлиб, илова версияси ва “Алоқа” тугмаси мавжуд. “Алоқа” тугмаси босилганда фойдаланувчи @call_center_SUV_KERAK_bot ботига ўтади. Ва бу ботги фойдаланувчи ўзи қизиқтирган саволини овозли хабар ёки думалоқ видео ёки матн шаклида юбориши мумкин. Қўллаб қуватлов ходимлар навбати билан мурожаатга жавоб йўллайди. Жавоб шу бот орқали келади. Шунингдек ботга видео ёки pdf ва бошқа форматли файл ва ҳужжатлар юклаб юбориш мумкин.

Улашиш

Улашиш тугмаси орқали фойдаланувчи мижоз иловасини улашиши мумкин. Бунда шу улашиш ҳаволаси орқали рўйхатдан муваффақиятли ўтган хар бир мижоз учун босс (бизнес) тизим ҳисобига бонус тўланади. Бонус тўлови миқдори ўзгарувчан бўлади. Улашиш учун “Улашиш” тугмаси босилади, шунда қуйидагича танлов хабари чиқади:






Агар QR код танланса QR ҳавола қайтади. Агар “Ҳавола орқали улашиш” тугмаси босилса илова ҳаволаси қайтади ва бу ҳаволани СМС ёки телеграм орқали улашиш мумкин бўлади.



Маълумотлар



Маълумотлар бўлимида ушбу иловадан фойдаланиш қўлланмасини, махфийлик сиёсати ва оммавий офёрта билан танишиш мумкин. Танишиш учун керакли хужжат устига босинг юклаб олинг.